

**Фермер хўжаликларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш
йўллари
Мундарижа**

	Кириш	
1-боб	Фермер хўжаликлари фаолиятини инвестицион лойиҳалаштиришнинг назарий ва услубий асослари.	
1.1	Фермер хўжаликлари тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан бериладиган кредитлар турлари ва тартиби.	
1.2	Фермер хўжаликлари техника технологияларни лойиҳалаштириш учун лизингдан фойдаланиш турлари ва тартиби	
2-боб	Фермер хўжаликлари фаолиятини тижорат банклари орқали кредитлашнинг хозирги ҳолатини таҳлили	
2.1	Фермер хўжаликлари тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилган кредитлар	
2.2	Фермер хўжаликлари фаолиятини микрокредитлашнинг хозирги ҳолати таҳлили	
3-боб	Фермер хўжалигига инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш	
3.1	Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани “Анвар” фермер хўжалигига пахта ва ғалла етиштириш учун имтиёзли кредитлаш	
3.2	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани “Санобар Феруз” фермер хўжалигига техника олиш учун лизингдан фойдаланиш йўллари	
	Хулоса ва таклифлар	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Кириш

Инвестициялар - иқтисодиётни тараққиёт томон ҳаракатини таъминловчи куч эканлиги, ҳар қандай иқтисодий назария учун аксиома ҳисобланади. Ҳар бир давлат, биринчи навбатда моддий ишлаб чиқариш соҳасига, миллий ва чет эл инвесторларини кириб келиши учун бутун кучини сарфлаши лозим. Ушбу мақсадни кўзлаган ҳолда муайян инвестицион сиёsat ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, тегишли инвестицион муҳит шакллантирилади. Мустақил Ўзбекистонда узлуксиз амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, тармоқ ва соҳалар ривожланишидаги ютуқларга эришиш, интеграцион жараёнларни ривожланиши ва иқтисодий ўсишни таъминлашни назарда тутади.

Ҳар бир корхона фаолиятининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, узоқ вақт давомида корхонага даромад келтириши назарда тутилган, инвестицион операциялар, яъни, бирор лойиҳани амалга ошириш учун пул маблағлари киритиш билан боғлиқ операциялар, хизмат қиласиди. Бундай лойиҳаларнинг натижалари қуйидагича бўлиши мумкин: бозор талабини қондириш учун муайян маҳсулот ишлаб чиқариш; янада замонавий ускуна ва технологиялардан фойдаланиш асосида, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш; ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона (тежамкор) фойдаланиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш; экологик хавфсизликни ошириш; турли хил хизматларни кўрсатиш, шу жумладан консультацион (маслаҳат), ахборот, ижтимоий ва ҳ.

Ҳар бир инвестициявий лойиҳани иқтисодий баҳолаш, бозор фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, хусусан лойиҳани тавсифловчи кўпгина кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги, сўнгги натижага эришиш ноаниклиги, лойиҳа иштирокчилари манфаатларининг субъективлиги, ва буларнинг оқибатида лойиҳани баҳолаш мезонлари кўплигини, ҳисобга олиши лозим.

Инвестициявий лойиҳани иқтисодий баҳолашда, унинг қуйидаги динамик тавсифларини эътиборга олиш лозим:

- ишлаб чиқарилаётган товар талабидаги мумкин бўлган ўзгаришлар ва тегишли тарзда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши;
- ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш жараёнида, ишлаб чиқариш харажатларининг режалаштирилган пасайиши;
- истеъмол қилинаётган ресурслар нархларининг кутилган ўзгаришлари;
- ҳар бир даврдаги инвестициялар учун молиявий манбаларга эга бўлиш имконияти.

Корхона ўз товарини етказиб бериш ҳажмларини оширап экан, ушбу товар нархининг тушиб кетиши каби бозор таъсирини олдини олиши лозим. Айрим ишлаб чиқариш ресурсларига бўлган талабнинг ошиши, уларнинг нархи ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Рақобатдош корхонанинг келажакдаги илмий-техник ютуқлари, корхона томонидан бугун ўзлаштирилаётган маҳсулот сифатини йўққа чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам инвестициявий лойиҳалар учун қўйидаги қоида амал қиласди.

Инвестициявий лойиҳа кўрсаткичларининг истиқболда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлари, прогноз қилиниши ва етарлича узок вақтни қамраб оладиган иқтисодий ҳисоб-китобларга киритилиши лозим.

Прогноз баҳоларидан фойдаланиш ҳар доим объектив тарзда таваккалчилик билан боғлиқ бўлади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инвестициявий лойиҳаларнинг турли тавсифлари турлича аниқлик билан прогноз қилиниши мумкин. Одатда келажакдаги харажатларни баҳолашдаги хатолар, лойиҳани амалга ошириш муддатларини белгилашдаги хатоларга нисбатан пастроқ. Лойиҳани амалга оширишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишда таваккалчилик даражаси турлича бўлиши мумкин. Таваккалчиликнинг йўл қўйиладиган даражасини белгилаш ҳар бир корхона учун стратегик муҳим ҳисобланади.

Таваккалчилик ҳар доим мавжуд ва ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Таваккалчилик турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Мисол учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасида лойиҳани амалга ошириш технологик жиҳатдан мумкин эмаслиги шаклида, илмий-техник лойиҳалар

учун ғояларни самарасиз ёки эскирганлиги шаклида, қишлоқ хўжалик лойиҳалари учун об-ҳаво шароитларини ноқулай келиши эҳтимоли шаклида ва ҳ.

Инвестициявий лойиҳанинг амалдаги самарадорлигига, мамлакат иқтисодиётида рўй бериши мумкин бўлган инфляцион жараёнлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади, уларни ҳисобга олиш айниқса долзарбdir.

Республикамиз Президентининг бир қатор Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларида фермер хўжаликларини ривожлантириш аграр тармоқда иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатиши белгилаб берилган.

Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келтираётган салбий ҳолатлар таъсирини аграр соҳада бартараф этишда, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳамда капитал сарфларини молиялаштиришда тижорат банкларининг аҳамияти катта. Хусусан, муҳтарам Президентимиз бу масалага алоҳида эътиборларини қаратиб: ”Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялаштиришда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш вазифаси қўйилмоқда”, -деб таъкидлаб ўтганлар.

Таъкидлаш жоизки, республикамида фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали кредитлаш масалалари ҳозирча тўлигича ўз ечимини топгани йўқ. Шу туфайли фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида улар фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаш масалаларини атрофлича ўрганиш шу куннинг долзарб масалалардан биридир.

**1-боб Фермер хўжаликлари фаолиятини инвестицион
лойиҳалаштиришнинг назарий ва услубий асослари.**

1.1 Фермер хўжаликлари тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан бериладиган кредитлар турлари ва тартиби.

Бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарини самарали фаолият кўрсатиши ва қўшимча молиявий маблағ билан таъминлашда кредитлаш механизми муҳим рол ўйнайди. Хўжаликни кредитлаш асосан:

-давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари пахта ва ғалла етиштириш бўйича ҳисоб-китоблар учун Ўзбекистон Республикаси Молия ва вазирлиги ҳузуридаги маҳсус жамғарма ҳисобидан;

-сув таъминоти, ўсимликлар касаллиги, ҳашорат ва зааркунадаларга қарши курашиш, чорва молларини даволаш ва юқумли касаликларга қарши курашиш масалалари Республика Марказий бюджети ҳисобидан;

-хўжаликларни ишлаб чиқариш-молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш воситалари, техника воситалари ва айланма маблағларни сотиб олиш учун тижорат банкларининг ўз маблағи ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан;

-турли тадбирлар ёки маҳсадлар учун мамлакатамиз шунингдек чет эл ташкилотлари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар ва грантлар ҳисобидан;

-қишлоқ хўжалиги техника воситаларини лизинг асосида харид қилиниши учун лизинг компанияси томонидан ажратиладиган маблағлар;

-хамкорликда корхона ва ташкилотларнинг мақсадли зиём, кредит ёки бўнак маблағлари ҳисобидан;

-хўжалик субъектлари аъзо бўлган кредит уюшмалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

-хўжаликларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжаликларни тижорат банклари орқали кредитлаш йўли бугунги кунда республикамизда катта ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш

асосан: “Агробанк”, “Тадбиркорбанк”, “Туронбанк”, “Савдогорбанк”, “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”, “Асака банк”, “Ипотека банки”, “Ўзсаноат қурилиш банки” ва бошқа турли тижорат банклари орқали амалга оширилади.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит линиялари томонидан йўналтирилган инвестицион лойиҳалар турлари:

- дехқон ва фермер хўжаликларининг ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан;
- қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш;
- фермерлик иншоотларини қуриш;
- чорва молларни, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дори-дармонлари, ўсимликлари, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, минерал ўғит, уруғлик, кўчатлар сотиб олиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш;
- қишлоқ жойларида экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни устувор равишда ташкил қилиш.

Фермер хўжаликлари жамғармалари маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредит олишлари учун қуйидаги хужжатлар тўпламини топширишлари лозим:

- республика фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит линиясидан имтиёзли кредит олиш хақида ариза;
- бизнес режа;
- давлат солиқ хизмати маҳаллий ташкилоти томонидан тасдиқланган сўнгги ҳисобот даври бўйича (шакл 1) бухгалтерлик баланси ҳисботи;
- дебитор ва кредиторлик қарзлари хақида (шакл 2 а) маълумотнома;
- молиявий якунлар хақида (шакл 2) ҳисббот.

Шунингдек, фермер банкка кредитни қайтарилишини таъминловчи қуйидаги хужжатларни тақдим этади;

- мулкни гаровга қўйиш;
- банк ёки суғурта ташкилотининг кафолот хати;

-қарз олувчига нисбатан учинчи шахсни нотариал идораси томонидан тасдиқланган кафолат хати;

-суғурта компаниясининг қарз олувчи томонидан қарзни тўлай олмаслик хавфини суғурталаш ҳақидаги суғурта полиси;

-маҳалла, қишлоқ, овул йигини томонидан берилган кафолат хати.

Тақдим этилган бу хужжатлар Низом бўйича белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши, яъни:

-ўзининг тизимидағи бўлимлари ва тижорат бўлимлари бўлмаган, шунингдек хусусий банклар учун 10 иш куни;

-республика бош банклар учун ариза берилган кундан эътиборан 20 иш куни белгиланган.

Фермер хўжаликларини кредитлашни бозор тамойиллари асосида йўлга кўйиш, уларнинг ишлаб чиқариш учун айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини кондириш мақсадида тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси хосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомга асосан кредитлар факат давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликларига 1,5 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш хуқуқисиз, қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт кисмлар ва асбоб-ускуналар, ЁММ, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (МТП, мукобил МТП, СФУ ва бошқалар) хизматлари учун берилади.

Фермер ўз хосилини гаровга кўйиб кредит олиш учун банкка қуйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:

- кредит олиш учун ариза;
- тузилган контрактация шартномаларининг нусхалари;
- бизнес режа;
- туман давлат солик хизмати томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), дебитор ва кредиторлик карзлари тўғрисида маълумотнома (2-а шакл); муддати 90 кундан ўтиб кетган карздорларнинг солиштирма

далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2 шакл); кредитни қайтариш таъминоти (гаров).

Албатта, бу ерда олинадиган ҳосил таъминот сифатида қабул қилинади. Бунда банк ва фермер хўжалиги ўртасида бўлажак ҳосилни гаровга қўйиш шартномаси имзоланади ва мазкур шартномага мувофиқ гаровга қўйилган ҳосилни сотишдан тушган барча пул маблағларни биринчи навбатда берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қоплашга йўналтирилади. Шу билан биргаликда гаровга қўйиладиган ҳосил кредит берувчи банк фойдасига суғурталангандан бўлиши шарт. Чунки, табиий офат ёки бошқа сабаблар билан режалаштирилган ҳосил олинмаган тақдирда кредитларнинг қайтарилимаган қисми суғурта компанияси томонидан қоплаб берилади. Бериладиган кредит учун йиллик фоизлар банк билан фермер ўртасида тузиладиган кредит шартномасида кўрсатилади.

Фермер кредит олиш учун барча зарурий хужжатларни талаб даражасида расмийлаштириб, банкка топширилгандан сўнг 10 кун муддат ичida банк фермерга кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида ўз хulosасини беради.

Банк билан фермер хўжалиги кредит шартномаси имзолагандан сўнг банк фермер хўжалиги учун алоҳида ҳисоб варағи очади ва ундан фермер хўжалигининг тўлов топширикномалари асосида фақат нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш орқали кредит берилади.

Банк томонидан берилган кредитдан фойдаланишининг бутун даври мобайнида фермер хўжалигининг олинган кредитдан фойдаланилиши бўйича мониторинг олиб борилади. Мониторинг давомида кредитдан самарасиз фойдаланиш ҳолати, хусусан экинлар тўлиқ экилмаслик, агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажармаслик ҳолатлари ва бунинг натижасида кредитни вақтида қайтармаслик ҳавфи борлиги аниқланса, кредитлаш тўхтатилади ҳамда берилган кредитни фоизлари билан ундириб олиш чора тадбирлари кўрилади.

Карз олган фермер хўжалигида етиштирилган ҳосилни сотишдан ҳамда суғурта тўловларидан тушган маблағлар олинган кредит ва унинг

фоизларини тўлашга етмаслиги кредит ва унга ҳисбланган фоиз колдиғи белгиланган тартибда фермер хўжалигининг ликвидли мол мулкига қаратиш йўли билан ундириб олинади.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартибини жорий қилиниши фермер хўжаликларини кредитлаш шароитини яхшилаш учун қилинган дастлабки қадамлардан биридир.

2003 йил ҳосилидан бошлаб тажриба тарикасида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланадиган фермер хўжаликларини ушбу маҳсулотларни етиштириш билан боғлик харажатларини молиялаштиришнинг янгича тизимиға ўтила бошланди. Яъни, фермер хўжаликларига транш усулида маблағ ажратиш тизимидан воз кечила бошланди.

Фермер хўжаликлари тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан бериладиган кредитлар турлари

Кредитлаш шартлари	Кредит берадиган молия муассасаларининг кредитлаш турлари					
	Тижорат кредити	«Имтиёзли жамғарма»дан	Давлат буюртмаси (пахта ва ғаллага)	Бошланғич сармоя	Микрокредит	Микрокредит
Кредит ажратидиган молия муассасалари	Тижорат банклари	Тижорат банклари	ЎзР Молия Вазирлиги хузуридаги Жамғарма	Микрокредит-банк	Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари	Микрокредит-банк
Низом рақами ва санаси	ЎзР АВ*, 07.03. 2000 й. № 907	ЎзР ВМ*, 19.05.2000, 195-сон қарори	ЎзР АВ*, 14.04.2007 й. 1675-рақамли	ЎзР ВМ*, 06.05.2006 й. 78-сон қарори	ЎзР АВ*, 08.08.2006 й. № 1548-1	ЎзР ВМ*, 06.05.2006 й. 78-сон қарори
Кредит шакли	имтиёзсиз	имтиёзли	имтиёзли	имтиёзли	имтиёзли	имтиёзли
Кредит бериладиган фаолият турлари ва муддати	-айланма маблағларга 2 йилга; -инвестицион лойихаларга—5 йилгача	-айланма маблағлар учун -2 йилга; -инвестицион лойихаларни молиялашга — 5 йилгача	давлат буюртмаси асосида маҳсулот этиширишга: - ғаллага 12 ойгача, - пахтага 18 ойгача	бошланғич сармояни шакллантишишга 18 ойгача	ишлаб чиқа-ришни кенгай-тиришга, камида 2 йил	ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун, 24 ойгача
Бериладиган кредит суммаси	Ўзаро келишув Асосида	Ўзаро келишув асосида	Харид қилинадиган пахта ва ғалла қийматининг 50 фоизигача	Энг кам иш хақининг 200 бараваригача	10 000 АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти	Энг кам иш хақининг 500 бараваригача
Кредит фоизлари	келишув асосида, 25-30 % атрофида	Марказий банк қайта молиялаш ставкаси-нинг 50 %га тенг, (хозир 7% атрофида)	3 %	5 %	МБ қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми	МБ қайта молиялаш ставкасидан юқори эмас (14%гача)
Гаров таъминоти:	Кредит қийматининг 120 % миқдорида, кафиллик хати	Кредит қийматининг 120 % миқдорида, кафиллик хати	Банклар ҳисобидан суғурталанади	Кредит қийматини 120 % миқдорида, кафиллик хати	Кредит қийматининг 120 % миқдорида, кафиллик хати	Кредит қийматини 120 % миқдорида, кафиллик хати

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини имтиёзли кредитлаш тартиби



Дастлаб бу тажриба 4та, кейинчалик 8та вилоятда синааб кўрилган бўлса, 2005 йил хосилидан бошлаб барча вилоятлардаги фермер хўжаликларига пахта ва ғалла етиштириш учун транш маблағи ўрнига имтиёзли кредитлар берила бошланди. Бу фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлашнинг бозор тамойилларига мос келадиган усулларга ўтишда муҳим қадам бўлди. Фермер хўжаликларига банк кредити турлари қуидаги расмдан кўриш мумкин.



1.1.-расм. Фермер хўжаликларига банк кредити турлари

1.2 Фермер хўжаликларига техника технологияларни лойиҳалаштириш учун лизингдан фойдаланиш турлари ва тартиби

Ускуналарга эга бўлишнинг иккита усули мавжуд – уни харид қилиш ва лизинг.

Ички ва ташқи бозорлар учун кескин рақобат шароитида, ускуналарнинг нафакат техник тавсифлари, балки мазкур технологиялар таклиф этилаётган молиявий шартлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Лизинг ҳар иккала шартни бажариш имконини беради.

20-асрнинг 60-йилларида қадар лизингга фақатгина ер ва кўчмас мулк олинарди. Сўнгги 30 йил мобайнида лизинг анча оммавийлашиб кетди. Бугунги кунда деярли барча нарсани ижарага олиш мумкин. Самолёт, автомобиль, компьютер ёки трактор сотиб олиш ўрнига, корхона уни лизингга олиши мумкин.

Хозирги кунда, Ўзбекистонда, лизинг ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда. Бу мамлакатимиздаги молиявий фаолиятнинг ёш, аммо жуда ҳам истиқболли йўналишидир. Маблағларнинг доимий етишмовчилиги, ускуналарнинг эскирганлиги ва ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетаётганлиги, ҳамда ўсиб бораётган рақобатдошлик шароитида, лизингни ривожлантириш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида, «лизинг» атамаси, узоқ муддат истеъмол қилинадиган товарларни ижарага беришга асосланган шартномаларда фойдаланилади.

Ижара шартномасининг муддатига қараб, ижара операцияларининг учта турини ажратиш мумкин:

- қисқа муддатли ижара (рентинг) – бир кундан бир йилгача бўлган муддатга;
- ўрта муддатли ижара (хайринг) – бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга;
- узоқ муддатли ижара (лизинг) – уч йилдан йигирма йилгача бўлган муддатга.

Шунинг учун ҳам, лизинг деганда, одатда, шартнома муддати давомида мулкчилик ҳуқуқи ижарага берувчида сақланиб қоладиган, ижарага берувчи томонидан ижарага оловчи учун, ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида харид қилинган машина ва ускуналарнинг узок муддатли ижараси тушунилади.


Лизингнинг яна бир таърифи қуйидагича: лизинг – бу шундай ижара шартномасики, унда лизинг берувчи (ижарага берувчи) ўзига тегишли бўлган ишлаб чиқариш, савдо ва омбор мақсадида фойдаланиладиган машина ва ускуналарини белгиланган мукофот учун, муайян муддатга лизинг оловчига (ижарага оловчига) маҳсус фойдаланишга топширади. Шартномада белгиланган мукофот, ижарага берувчи томонидан, банк даромади ва мулк аморитизациясини ҳисобга оловчи, маблағ жалб этиш қийматини тўлиқ қопловчи фоиз ставкасини ўз ичига олади.

Молиявий (капитал) лизинг ижарага оловчи томонидан амалга ошириладиган тўловлар ижарага олинаётган ускунанинг амортизацион қийматини тўлиқ қоплашини назарда тутадиган узок муддатли келишув. Бундай келишувлар ижарани муддатидан олдин тугатилишини назарда тутмас экан, даврий тўловларни тўғри аниқлаш, мулк эгасига мулкни харид қилиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича барча харажатларни қоплаш, ҳамда талаб этилган даромадлилик даражасини таъминлаш имконини беради. Молиявий лизинг қуйидагиларни назарда тутувчи схема (1.2-расм) бўйича амалга оширилади.

Лизингнинг ушбу турида, мулкка хизмат кўрсатиш бўйича барча харажатлар ижарага оловчи зиммасига юкланди. Кўпгина ҳолларда, бундай келишувлар ижара муддати тугагандан сўнг, ижаракига мулкни имтиёзли ёки қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиш ҳуқуқини беради.

Оператив (тезкор) лизинг – бу лизингни шундай турики, унда лизинг берувчининг ижарага бераётган обьектни сотиб олиш ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари битта лизинг шартномаси тўловлари билан

қопланмайды, бу эса уни ижарага бир неча маротаба бериш заруриятини келтириб чиқади.



1.2.-Расм. Молиявий лизинг схемаси

Одатда бундай шартнома 2-5 йилга тузилади. Оператив (тезкор) лизингда объектга зиён етказиш ва йўқотиш хавфи лизинг берувчи зиммасига юклатилади. Лизинг тўловлари ставкаси эса, харажатларни қоплаш кафолати бўлмаганлиги сабабли, молиявий лизингга нисбатан юқори бўлади.

Оператив лизингнинг асосий объектларига ускуналарнинг тез эскирадиган (компьютерлар, нусха қўчириш ва қўпайтириш техникаси ва б.) ва доимий сервис хизмати кўрсатилишини талаб қиласидиган, техник мураккаб турлари (енгил ва юк автомобиллари, ҳаво кемалари, темир йўл ва денгиз транспорти) киради.

Умуман олганда, оператив лизинг шартлари ижарага олувчи учун нисбатан фойдалироқ. Хусусан, ижарапни муддатидан олдин тутатиш имконияти маънавий эскирган ускуналардан тезда воз кечиш ва уларни нисбатан янги ва самаралироқ ускуналар билан алмаштириш имконини беради.

Бундан ташқари, ноқулай вазиятли ҳолатлар содир бўлганда, ижарага олувчи ускуналарни эгасига қайтарган ҳолда, мазкур фаолият турини тезда

тўхтатиши ва ишлаб чиқаришни тўхтатиш ёки қайта ташкил этиш харажатларини анча камайтириши мумкин.

Бир марталик лойиҳа ёки буюртмаларни бажаришда эса, оператив лизинг, кейинчалик керак бўлмайдиган ускуналарни сотиб олишдан холи қилади.

Қайтарма лизинг – шундай иккита битим тизимидан иборатки, унда мулк эгаси ўз мулкини иккинчи бир шахсга сотади, ва бир вақтнинг ўзида ушбу мулкни ундан узоқ муддатли ижарага олади.

Бунда харидор сифатида ҳар қандай молиявий институт (банк, сугурта компанияси, инвестициявий жамғарма, лизинг операцияларига ихтисослашган фирма) чиқиши мумкин.

Лизингнинг бундай тури натижасида факатгина мулқдор ўзгаради, мулқдан фойдаланувчи эса ўзгармасдан туриб, қўшимча молиявий маблағлардан фойдаланиш имконига ҳам эга бўлади. Инвестор эса, мулкнинг олдинги эгасига кредит берган холда, таъминот сифатида мулкчилик ҳуқуқини олади.

Бундай операциялар корхоналар молиявий ахволини барқарорлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Улушли лизинг (бир нечта иштирокчилар билан). Лизингнинг ушбу тури мураккаб ва йирик миқёсдаги объектларини (авиатехника, денгиз ва дарё кемалари, темир йўл ва ҳаракатланувчан таркиб ва х.) молиялаштириш шакли сифатида кенг тарқалган. Лизингнинг бу тури гурухли ёки акциядорли лизинг деб ҳам юритилади. Бундай лизинг кўп тармоқли молиялаштиришга эга бўлганлиги учун, энг мураккаб ҳисобланади. Улушли лизингнинг ўзига хос хусусияти шундаки, лизинг берувчилар лизинг обьектини сотиб олиш учун лозим бўлган сумманинг бир қисмини берадилар холос. Лизинг обьекти шартномавий қийматининг қолган қисми кредиторлар (банклар, бошқа инвесторлар) томонидан молиялаштирилади.

Сублизинг – лизинг муносабатларининг шундай турики, унда лизинг обьектидан фойдаланиш ҳуқуқи учинчи томонга (одатда у ҳам лизинг компанияси бўлади) ўtkазилади. Асосий ижарага берувчи ижара тўловларини

олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлади. Сублизингда, сублизингни амалга оширувчи шахс лизинг объектини лизинг шартномаси бўйича олади, ва сублизинг шартномаси бўйича вақтингчалик фойдаланишга топширади.

Револьвер лизинг. Бошқача қилиб айтганда ускуналарни кетма-кет алмаштирилишини назарда тутадиган лизинг.

Лизинг олувчига, технология бўйича, кетма-кет тарзда турли хил ускуналар лозим бўлганда фойдаланилади. Бундай вазиятларда, лизинг олувчи, лизинг шартномасига мувофиқ, муайян муддатдан сўнг ижарага олинган ускунани бошқа лизинг объектига алмаштириш ҳуқуқига эа бўлади.

Ускуналарга эга бўлишнинг бошқа турларига нисбатан (тўловни кечикириб амалга ошириш, банк кредити ва х.) лизинг бир қатор мухим устунликларга эга:

1. Лизингда, тўғридан-тўғри харид қилишдан фарқли равишда, ускуна сотиб олиш учун катта миқдордаги айланма маблағларини ишлаб чиқаришдан ажратган ҳолда жалб этиш талаб қилинмайди. Ускунадан фойдаланиш учун лизинг тўловлари вақт бўйича, тахминан ускуна қопланиш муддатига teng бўлган, муддатга (лизинг шартномаси муддати) чўзилади. Ускунадан фойдаланиш учун тўловлар ундан фойдаланиш муддатига мувофиқ бўлади ва корхона дарормад олишидан бошлаб тўланади. Лизинг муддатлари ускуна қопланиши муддатига одатда teng бўлади.

2. Лизингга қарзни тўлаш графигини тузиш борасида катта эгилувчанлик хосдир. Ускуна эксплуатацияга туширишга қадар корхона ҳеч қандай тўловларни амалга оширмайди, шунингдек лизинг тўловлари графигида тўлиқ қўвватга ўтиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг мавсуумийлигини ҳам акс эттириш мумкин.

3. Лизингда ускуна, томонларнинг келишувига кўра, лизинг компанияси ёки лизинг олувчи балансида рўйхатдан ўтган бўлиши мумкин. Бу лизинг олувчига ўз фаолияти тузилмасини шакллантиришда кўпроқ имконият беради.

4. Лизингга бериладиган ускуналарга нисбатан тезлаштирилган («3» коэффициентгача) амортизацияни қўллаш имконияти. Бу солиқقا тортиш мақсадида ускуна қийматини уч маротаба тезроқ харажатларга чиқариб ташлаш ва мулк солиғини уч мартага камайтириш, мулқдан фойдаланиш рентабеллигини ошириш ёки лизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг лизингнг объектини бозор баҳосида сотиб даромад олиш имконини беради.

5. Инвестициявий операцияларни амалга оширишда мижозга техник ёрдам кўрсатиш.

6. Лизинг обьекти асосий таъминот сифатида хизмат қиласи. Лизинг обьектининг ликвидлиги етарлича бўлмаган ва лизинг битими етарлича таъминланмаган бўлса, лизинг компанияси қўшимча таъминот талаб қилиши мумкин.

7. Пул маблағлари чиқувчи оқимнинг камайиши. Ускунани харид қилиш билан боғлик барча харажатлар тўла ҳажмда таннархга киритилади. Бу солиқقا тортиладиган базани анча камайтиради ва айланма воситаларни сақлаб қолади.

8. Лизинг корхонага кичик бир марталик харажатлар билан замонавий ускуна ва техникаларни етарлича ҳажмда олиш имкониятини беради. Сир эмаски, ўз ишлаб чиқаришини замонавий ускуналар билан жихозлаш истагида бўлган кўпгина ўзбек корхоналари уни харид қилиш учун мамблағлар етишмаслиги муаммосига дуч келадилар, юқори технологик ускуналарни ишалб чиқарувчи корхоналар эса ўз маҳсулотини сотиш борасида қийинчилик сезадилар. Молиявий воситачи сифатида хизмат қилувчи лизингнг компанияси турли хилдаги ускуналар харидори ва етказиб берувчиларга самарали фаолият юритиш имконини яратади. Бунда ишлаб чиқаришга жалб этилган маблағларни жамлаш зарурияти умуман пайдо бўлмайди.

9. Корхона кредит жозибадорлигини сақлаб қолиш. Лизинг ўз ва қарз капиталининг оптималь нисбатига эришиш имконини беради.

10.Лизинг корхонага, вақт оралиғи мобайнида ўз пул оқимларини аниқ режалаштириш имкониятини яратади.

2-боб Фермер хўжаликлари фаолиятини тижорат банклари орқали кредитлашнинг хозирги ҳолатини таҳлили

2.1 Фермер хўжаликлари тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилган кредитлар

Пахта ва ғалла етиштириш учун имтиёзли кредитлар ушбу маҳсулотлар учун тузилган контрактация шартномасидаги маҳсулот қийматининг 70 фоизи миқдорида берилади. Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлар асос килиб олинади. Янги харид нархлар тасдиклангач эса кредит олувчи фермернинг талабига кўра кредит миқдори қайта ҳисоблаб чиқилади.

Кредитлар фақат куйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:

- иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;
- минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш учун;
- ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш учун;
- МТПлар, мукобил МТПлар ва СФУ хизматлари учун тўловлар учун;
- олинган уруғлик материаллари тўловлари учун;
- фермер хўжалиги ихтиёридаги техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун;
- лизинга олинган техника воситаларининг лизинг ва сұғурта тўловлари учун;
- фойдаланилган электр энергияси тўловлари учун;
- плёнка остига пахта экилганда полиэтилен пленкаси сотиб олиш учун;
- ягона ер солиги тўловларига.

Шунингдек фермер хўжалигига ажратиладиган кредитларнинг 5 фоизи доирасида пахта ва ғалла етиштириш билан боғлик бўлган хўжаликнинг бошқа зарурий эҳтиёжлари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Фермер хўжалигининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда ўша харажат тури учун кредитдан фойдаланишдан воз кечиш хуқуқига эга. Бунда тегишли ойда тежаб қолинган

кредит фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармокларини тозалашга йўналтирилиши мумкин.

Кредитлар ғалла етиштириш учун кўпи билан 12 ой, пахта етиштириш учун эса 18 ой муддатга берилади. Кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 3 фоизни ташкил этади. Аввалари бу микдор 5 фоиз эди.

Фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномаси тузгандан кейин ўз банкига кредит олиш учун мурожаат қиласи. Банкка фермер хўжалиги томонидан қўйидаги хужжатлар тақдим қилиниши лозим:

- ариза;
- тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномаларининг нусҳалари;
- Бизнес режа;
- Сўнгги ҳисобот даври учун давлат солиқ хизматининг маҳаллий органи томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).

Фермерларга берилаётган имтиёзли кредитнинг қайтарилмаслик ҳавфини банкнинг ўзи суғурталайди.

Тўловлар фермер хўжалигининг эҳтиёжлари учун нақд пулсиз кўринишда (иш ҳақидан ташқари) фақат фермер хўжалигининг тўлов топширикномалари асосида амалга оширилади.

Барча зарурий хужжатлар талаб даражасида тайёрланиб, топширилгандан кейин 5 кун муддат ичida банк фермер хўжалиги билан кредит шартномаси тузиши лозим. Агар банк кредит беришни рад этса, у ҳолда асосланган ёзма раддия ёзиб бериши лозим.

Банк томонидан берилган имтиёзли кредит фақат мақсадли ишлатилиши, пахта ва ғалла экинлари ҳолати ва бўлажак ҳосилнинг олинган кредитларни қайтариш учун етарлилиги мониторинг қилиб борилади. Агар экинларнинг тўла ёки қисман мавжуд бўлмаслиги, агротехник тадбирларнинг кечикиши,

екин майдонларини бегона ўтлар босиб кетиши ҳолатлари унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириш чоралари кўрилади. 2.1-жадвалда Фермер хўжаликлари тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилган кредитларни 2005-2009 йилги динамикаси келтирилган.

Фермер хўжаликлири сони 2005 йилда 103921 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 105053 тага етган. 2009 йилда фермер хўжаликлари сони 2005 йилга нисбатан 119.9 % га ортган.

Шу жумладан кредит олган фермер хўжаликлари сони 2005 йилда 13270 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 21546 тага етган. 2009 йилда кредит олган фермер хўжаликлари сони 2005 йилга нисбатан 162.4 % га ортган.

Кредит олган фермер хўжаликларининг жами фермерларга нисбатан сал моғи 2005 йилда 15.1 % ни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб эса 20.5 % га етган.

Берилган кредитлар қиймати 2005 йилда 26 539 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб кредитлар қиймати 42 157 млн сўмга етган. 2009 йилда кредитлар қиймати 2005 йилга нисбатан 158.8 % га ортган.

Ўртача бир фермер хўжалиги га тўғри келадиган кредитлар қиймати 2005 йилда 1 999.0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб кредитлар қиймати 1 956.6 минг сўмга етган. 2009 йилда кредитлар қиймати 2005 йилга нисбатан 98.0 % га ортган.

ОАТБ “Турон Банк” томонидан қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар қиймати таҳлили 2.2 жадвалда келтирилган.

Қишлоқ хўжалигига ажратилган жами кредитлар миқдори 2007 йилда 5 400.0 млн сўмни, 2009 йилда 11 564.0 сўмни ташкил этган. 2009 йилда қишлоқ хўжалигига ажратилган жами кредитлар қиймати 2007 йилга нисбатан 214.1 % га ортган.

Шу жумладан: Чорвачиликни ривожлантиришга 2007 йилда 600 млн сўмлик кредит ажратилган бўлса, 2008 йилга келиб 4000 млн сўмлик кредит ажратилган.

Сабзавот етиширишга 2007 йилда 1 200 млн сўмлик кредит ажратилган бўлса, 2008 – 2009 йилларда банк томонидан сабзавотчиликка кредит ажратилмаган.

Асосий восита сотиб олишга банк томонидан 2007 йилда 2 300 млн сўмлик кредит ажратилган бўлса, 2009 йилга келиб эса 6 850 сўмлик кредит ажратилган. 2009 йилда асосий восита сотиб олишга ажратилган кредитлар қиймати 2007 йилга нисбатан 297.8 % га ортган.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали 2008 йилда 670 млн сўмлик кредит ажратилган.

Паррандачиликни ривожлантиришга 2009 йилда банк томонидан 420 млн сўмлик кредит ажратилган.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишга: хусусан. Пахта етиширишга 2007 йилда 345 млн сўмлик кредит ажратилган бўлса, 2009 йилга келиб эса 392 млн сўмлик кредит ажратилган. 2009 йилда пахта етиширишга ажратилган кредитлар қиймати 2007 йилга нисбатан 113.6 % га ортган.

Ғалла етиширишга 2007 йилда 185 млн сўмлик кредит ажратилган бўлса, 2009 йилга келиб 225 млн сўмлик кредит ажратилган. 2009 йилда ғалла етиширишга ажратилган кредитлар қиймати 2007 йилга нисбатан 121.6 % га ортган.

Бошқа мақсадлар учун 2007 йилда 770.0 млн сўмлик кредит ажратилган бўлса, 2009 йилга келиб кредит қиймати 3 677.0 млн сўмни ташкил этган. 2009 йилда бошқа мақсадлар учун ажратилган кредитлар қиймати 2007 йилга нисбатан 477.5 % га ортган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиширилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан

хисоб – китоб қилиш жамғармаси томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар таҳлили 2.3 жадвалда клтирилган.

Республика бўйича 2007 йилда пахтага умумий қиймати 701.98 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2009 йилга келиб эса 901.70 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган. 2009 йилда пахтага ажратилган имтиёзли кредитлар қиймати 2007 йилга нисбатан 128.4 % ўсган.

Республика бўйича 2007 йилда ғаллага умумий қиймати 136.87 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2009 йилга келиб эса 310.92 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган. 2009 йилда ғаллага ажратилган имтиёзли кредитлар қиймати 2007 йилга нисбатан 227.2 % ўсган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан хисоб – китоб қилиш жамғармаси томонидан ажратилган имтиёзли 3 % ли кредитлар таҳлили 2.1 расмда келтирилган.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 1998 йилда 100 млрд сўмлик имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган эди. Аммо амалда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 151 млрд сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 2009 йилга келиб, 1150 млрд сўмлик имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилди, лекин амалда 1213 млрд сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

2.1-жадвал

Фермер хўжаликлари тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилган кредитлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 йил 2005 йилга нисб., %да
Фермер хўжаликлири сони	дона	103921	125 669	189 235	217100	105 053	119,9
ш.ж. кредит олган фермер хўжаликлари сони	дона	13 270	14 602	15 196	18 609	21 546	162,4
Кредит олган фермер хўжаликларининг жами фермерларга нисбатан салмоғи	% да	15,1	14,05	12,1	9,8	20,5	
Берилган кредитлар қиймати	млн. сўм	26 539	29 204	30 418	39 819	42 157	158,8
Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган кредитлар қиймати	минг сўм	1 999,0	2000,0	2001,7	2139,8	1956,6	98,0

2.2-жадвал


ОАТБ “Турон Банк” томонидан қишлоқ хұжалигига ажратилған кредитлар, млн. сўмда

Күрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 й 2005 й.га нисб. % да
Қишлоқ хұжалигига ажратилған жами кредитлар	5400.0	15400.0	11564.0	214.1
Шу жумладан:				
Чорвачиликни ривожлантиришга	600	4000	-	6.6 марта (2008 й.)
Сабзавот етиштиришга	1 200	-	-	-
Асосий восита сотиб олишга	2 300	-	6850	297.8
Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали	-	670	-	-
Паррандачиликни ривожлантиришга	-	-	420	-
Давлат әхтиёлари учун қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштиришга:				
а) пахта етиштиришга	345	380	392	113.6
б) ғалла етиштиришга	185	220	225	121.6
Бошқа мақсадларга	770.0	10130.0	3677.0	477.5

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиши жамғармаси томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар,
(млрд. сўмда)

Вилоятлар	Пахтага				Галлага			
	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 й. 2007 й.га нисб., %да	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 й. 2007 й.га нисб., %да
Қорақалпоғистон Республикаси	36,4	43,82	50,87	139,7	4,43	4,56	4,10	92,5
Андижон	59,4	68,18	74,06	124,7	11,67	19,63	30,55	261,8
Бухоро	66,06	77,07	92,63	140,2	6,68	11,01	20,52	307,2
Жиззах	44,26	56,09	56,01	126,5	11,80	13,21	17,02	144,2
Қашқадарё	84,80	92,42	109,77	129,4	18,01	25,71	46,97	260,8
Навоий	21,20	23,96	27,30	128,8	3,99	5,58	10,96	274,7
Наманган	50,65	55,72	66,87	132,0	9,91	15,27	21,86	220,6
Самарқанд	48,40	54,28	63,28	130,7	13,70	21,33	38,03	277,6
Сурхондарё	69,93	76,54	89,42	127,8	13,89	20,33	28,88	207,9
Сирдарё	49,62	49,37	55,42	111,7	9,62	11,67	20,39	211,9
Тошкент	56,26	60,14	70,32	125,0	15,66	22,07	32,57	208,0
Фарғона	61,69	72,81	77,94	126,3	13,50	20,04	29,99	222,1
Республика бўйича	701,98	787,40	901,70	128,4	136,87	195,86	310,92	227,2



2.1.-расм. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалик махсулотлари билан ҳисоб –китоб қилиш жамғармаси томонидан ажратилган имтиёзли 3 % ли кредитлар (млрд сўм).

2.2 Фермер хўжаликлари фаолиятини микрокредитлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Ислоҳотлар жараёнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Муҳтарам Президентимиз қишлоқ хўжалигидага амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг аҳамиятига тўхталиб: “2010 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига микрокредитлар жалб этиш ва самарали фойдаланиш долзарб масала эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар

Дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида ташкил этилган фермер ва дехқон хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2009 йилда қишлоқ хўжалигига 322,1 млрд сўм маблағ ажратилди.

Шу сабабли ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида аграр тадбиркорлик субъектларини, айниқса, жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига микрокредитлар жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалик соҳасига микрокредитлар жалб этиш иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштириб бораётган бир вақтда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

Микрокредит – бу ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 500 (беш юз) баравари миқдоридан ошмайдиган;

ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган холда амалга оширувчи фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнеснинг бошқа субъектларига

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада қайтаришлик, тўловлилилк, таъминланганлик, муддатлилилк ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида мазкур Низомда белгиланган тартибда бериладиган кредитлар.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуидаги мақсадларга берилади:

- мини ускуналарни харид қилиш;
- ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан. уруғлик, чорва моллари, парранда, ем-хашак, ҳамда омухта ем, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя килиш кимёвий воситалари, маъданли ўғитлар сотиб олиш;
- ҳом ашё ва материалларга дастлабки ишлов бериш;
- меҳнат воситалари, ҳом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитура сотиб олиш;
- халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш;
- сервис хизматларини ва аҳолига майший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни сақлаш хизматини ривожлантириш;
- сайёҳлик индустрисини ривожлантириш;
- кичик ҳажмли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (ишларни бажариш) соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

ОАТБ “АгроБанк” томонидан фермер хўжаликларининг техника таъминоти ни мустаҳкамлашга ажратилган кредитлар таҳлили 2.4 жадвалда келтирилган.

ОАТБ “АгроБанк” нинг кичик бизнесни қўллаб – қувватлашга йўналтирилган кредитлари таҳлили 2.5 жадвалда келтирилган.

ОАТБ “Агро Банк” томонидан жами ажратилган кредитлар қолдиғи 2008 йилда 107 369 млн сүмни, 2009 йилда эса 217 018 млн сүмни ташкил этган. 2009 йилда жами ажратилған кредитлар қолдиғи қиймати 2007 йилга нисбатан 202 % га ортган.

ОАТБ “Агро Банк” томонидан йил давомида ажратилған кредитлар суммаси 2008 йилда 41 382 млн сүмни, 2009 йилда эса 143668 млн сүмни ташкил этган. 2009 йилда йил давомида ажратилған кредитлар суммаси 2007 йилга нисбатан 347 % га ортган.

ОАТБ “Агро Банк” томонидан амалга оширилған лойиҳалар сони 2008 йилда 14040 тани, 2009 йилга келиб, 15293 тани ташкил этган. 2009 йилда лойиҳалар сони 2007 йилга нисбатан 109 % га ортган.

